



14.01.2022 даги

**Филиал ГАСК "Кафолат" Ташкентской области ва Бекобод туман СЭО ва ЖСБ ўртасида 1076000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 13/ОСГО/22-4 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий ғазна хисобварак

054

400322860272207074110054002

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4821190			
Январь	1 076 000,00			1 076 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>1 076 000,00</b>			<b>1 076 000,00</b>

Жами 1076000,00 сўм

Бир миллион етмиш олти минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 1076000,00 сўм ёки 100,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_ % жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловчи санамага ёшириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М.ў.

Умаров Т. А.

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери



(имзо)

Бекназарова М.

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.

«\_\_\_» 20 \_\_\_ й.



ISO 9001:2015

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномаси**

KF ONLINE

Бет №1  
ВМҚ №141,  
24.06.2008 й.

13/ОСГО/22-4 - сонли

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш ШАРТНОМАСИ**

**Бекобод туман.**2022 й. «14» 01

“Кафолат сұғурта компанияси” АЖ, кейинги ўринларда «Сұғурталовчи» номидан 2021-йил 26 ноябрьдаги 02 сонли агентлик келишув шартномаси ва гувохнома асосида ҳаракат Бекобод туман сұгура маркази, бир томондан **Бекобод туман СЭО ва ЖСБ** кейинги ўринларда, «Сұғурта қилдирувчи» устав асосида ҳаракат күлгүчі **Т.А.Умаров** иккинчи тарафдан, күйидаги шартномани түздилар:

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий сұғурта қилиш тұғрисидаги» Қонунiga асосан транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мұлкига этказилган заарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги конун хужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий сұғурта обьектидир.
- 1.2. Ушбу шартномага киритилмаган шартлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарорига илова қилинган қоидаларга амал килинади.

### **2. СҰҒУРТА ҲОДИСАСИ**

- 2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мұлкига этказилган, сұғурта қилдирувчининг сұғурта товонини амалга оширишига сабаб бўладиган заар бўйича жавобгарлиги сұғурта қилинган, сұғурта қилдирувчи ёки бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши сұғурта ҳодисаси хисобланади.

### **3. ИСТИСНОЛАР**

- 3.1. Күйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши сұғурта ҳодисаси хисобланмайди;
- 3.1.1. Мажбурий сұғурта бўйича сұғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда заар этказиш;
- 3.1.2. Маънавий этказилган заар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
- 3.1.3. Транспорт воситасидан маҳсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўкув хайдови давомида фойдаланишда заар этказилганлиги;
- 3.1.4. Атроф мухитнинг ифлосланиши;
- 3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида заар этказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий сұғуртанинг тегишли тури тұғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ мажбурий сұғурта қилиниши керак бўлса;
- 3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлигига заар этказилиши, агар бу заарнинг мажбурий сұғуртанинг тегишли тури тұғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ қопланиши лозим бўлса;
- 3.1.7. Хайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга заар этказилганлиги;
- 3.1.8. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот худудида ҳаракатланганида заар этказилганлиги;
- 3.1.9. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меморий ёдгорликлар, қимматбахо ва ярим қимматбахо тошлар ва металлардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қофозлар, накд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст этказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
- 3.1.10. Жабрланувчиларнинг сұғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасдан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида этказилган заар.
- 3.2. 3.1. бандида кўрсатилган холларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда этказилган заарнинг ўрни улар томонидан конун хужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

### **4. СҰҒУРТА СУММАСИ, СҰҒУРТА МУКОФОТИ**

- 4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғурта қилиш бўйича сұғурта суммаси ҳар бир транспорт воситаси учун **40 000 000 (Кирк миллион )** сўм микдорида белгиланади. Улардан:
  - а) жабрланувчи мол-мұлкига этказилган заар учун - сұғурта суммасидан 35 фоизгача;
  - б) жабрланувчи ҳаёти ёки соғлигига этказилган заар учун - сұғурта суммасидан 65 фоизгача;
- 4.2. Сұғурталанаётган транспорт воситасининг сони **6 (6)** та.
- 4.3. Сұғурта шартномаси бўйича умумий сұғурта суммаси **1 076 000(Бир миллион етмиш олти минг )** сўм.
- 4.4. Ҳар бир автомобил учун сұғурта суммаси сўм кўрсатилади.

- 4.5. Сұғурта мұкофоти бүйіча хисоб-китоблар ҳар бир транспорт воситаси учун ЎЗР ВМнинг 2008 йил 24 іюндагы 141-сонли қарори билан тасдиқланған транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбuriятлари сұғуртаси коидалари асосида амалга оширилади.
- 4.6. Ушбу шартномага тәқдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий сұғурта мұкофоти суммаси 1076000) сүм.
- 4.7. Сұғурта мұкофоти ушбу шартнома түзилгандан илова санаасыдан бошлаб 5 (беш) иш куни мобайнида бир йўла тўланади.
- 4.8. Агар мажбурий сұғурта шартномаси амал қилиш даврида сұғурталовчи томонидан сұғурта товони тўланган бўлса, сұғурта килдирувчи сұғурталовчидан сұғурта товонини тўлш тўғрисидаги хабар олинган кундан бошлаб икки хафта муддатда тўланган сұғурта товони суммасига ва сұғурта шартномасининг амал қилиш муддатига мутаносиб равишда сұғурта мұкофотини тўлайди.

## 5. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

- 5.1 Ушбу мажбурий сұғурта шартномаси сұғурта мұкофоти тўланган пайтдан бошлаб кучга киради, шартноманинг амал қилиш муддати сұғурта полисида кўрсатилади.
- 5.2. Сұғурта полиси ва маҳсус давлат белгиси сұғурта мұкофоти тўлангандан кейин берилади.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 6.1. Сұғурта килдирувчининг мажбуриятлари:

- 6.1.1. Сұғурта мұкофотини ушбу шартноманинг 4.5. бандига асосан тўлаб бериши.
- 6.1.2. Хайдовчиларни (ходимларни) ЙТХ содир бўлганда ДИХХБ ходимларини кутиши ва жабрланувчи (унинг меросхури ёки ҳуқуқий вориси)га мажбурий сұғурта полиси нусхасини тәқдим этишлик тўғрисида огохлантириши.
- 6.1.3. Сұғурта ҳодисаси содир бўлганда:
- ЙТХ содир бўлганда кечиктирмасдан узоги билан 72 соат ичидә ёзма равишида сұғурта полиси нусхаси билан сұғурталовчини сұғурта ҳодисаси тўғрисида ЎЗР ВМнинг 2008 йил 24 іюндагы 141-сонли қарори 6-иловасига мувофиқ хабардор этиши.

### 6.2. Сұғурта килдирувчининг Ҳуқуқлари:

- 6.2.1. Сұғурта килдирувчи жабрланувчига этказилган заарнинг ўрнини сұғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан қопласа, сұғурта килдирувчи этказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган сұғурталарни тасдиқловчи хужжатларни тәқдим этгандан сунг сұғурта товонини олиши мумкин.

### 6.3. Сұғурталовчининг мажбуриятлари:

- 6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхурига ёки ҳуқуқий ворисига) ёки сұғурта килдирувчига (агар сұғурта товони ўз хисобидан амалга оширилган бўлса) шартномада кўрсатилган холларда сұғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириши;
- 6.3.2. Сұғурта полиси ва маҳсус давлат белгиси бланкаси юкотиб кўйилган такдирда унинг дубликатларини тәқдим этиш. Дубликатлар сұғурталовчи томонидан сұғурта килдирувчи мурожаат килган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

### 6.4. Сұғурталовчининг ҳуқуқлари:

- 6.4.1. Агар шикастланған мол-мұлкни ёхуд унинг колдикларини куздан кечириш ва мустакил экспертиза қилишга (бахолашга) қадар ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мұлкни таъмирлаш ёки унинг колдикларини утилизатсия қилиш сұғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий сұғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган заарларнинг миқдорини тугри аниқлаш имконини бермаса, сұғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхурига ёки ҳуқуқий ворисига) сұғурта тўловини ёки унинг бир кисмини тўлашни рад этишига ҳақли.

## 7. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

- 7.1. Сұғурта товони этказилган заар миқдорида, лекин сұғурта пулидан ошмаган миқдорда сұғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхури ёки ҳуқуқий ворисига) тўлаб берилади.

- 7.2. Агар сұғурта ҳодисаси содир бўлганда сұғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхурларига ёки ҳуқуқий ворисларига) туланиши керак бўлса ва уларнинг сұғурталовчига билдирилган талаблари суммаси сұғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, сұғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхурлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушкига мутаносиб равишида туланди.

- 7.3. Агар сұғурта килдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанған бошқа шахс) жабрланувчига этказилган заарнинг ўрнини сұғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз хисобидан қопласа, сұғурта килдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанған бошқа шахс) этказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи хужжатларни тәқдим этганидан кейин сұғурталовчи сұғурта килдирувчига сұғурта тўловини тулайди.

Ушбу холат бўйича қўйидаги хужжатларни тәқдим этиши керак:

- сұғурта полиси;
- заар этказилганлиги фактини ва заар миқдорини тасдиқловчи хужжатлар (юл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хulosasi ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиқка заар этказилганлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);

- мол-мулкка зарар этказилганини фактини ва зарар микдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтаридан күчирмалар, түлов ҳужжатлари, хизматлар күрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);
  - жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
  - мерос ҳукукини ёки ҳукукий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхурларнинг шахсини ёки ҳукукий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар сұғурта товони жабрланувчининг меросхурларига ёхуд ҳукукий ворисларига туланиши керак бўлса).
  - банкнинг тўлов амалга оширилганини тўғрисидаги белгиси кўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;
- 7.4. Сұғурта товони суд ҳаражатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.
- 7.5. Сұғурта товонини тўлаш сұғурталовчининг сұғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

### **8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ**

- 8.1. Сұғурта килдирувчи зарар этказган шахсга (сұғурта килдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғурта шартномаси бўйича сұғурталанган бошқа шахсга) узи тўлаган сұғурта тўлови микдорида куйидаги холларда регресс тартибida талаб қилиш ҳукукига эга, агар:
- а) мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг хаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар этказилган бўлса;
  - б) зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастилик холатида ёки гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идроқига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда этказилган бўлса;
  - в) мазкур шахс узи фойдаланаётганда зарар этказган, транспорт воситасини бошқариш ҳукукига эга бўлмаган бўлса;
  - г) мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
  - д) мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий сұғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан факат мажбурий сұғурта шартномасида кўрсатилган хайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий сұғурта шартномаси тузилганда);
  - е) сұғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий сұғурта шартномасида назарда тутилмаган аник даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий сұғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий сұғурта шартномаси тузилганда).
- 8.2. Бунда сұғурталовчи мазкур шахсдан сұғурта ҳодисасини кўриб чиқишида қилинган ҳаражатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳаклидир.

### **9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда сұғурталовчи ва сұғурта килдирувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бўйича жавобгар бўладилар.
- 9.2. Шартнома шартларини бажаришда юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан, агар келишмовчилик юзага келса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳал этилади.

### **10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**

Сұғурталовчи:


“KAFOLAT sug’gurta kompaniyasi” AJ  
Бекобод туман сұғурта маркази  
х/р:2021 6000 6001 2964 8028  
МФО:01081  
ИНН:200 470 337

Сұғурталовчи номидан:

Сұғурта килдирувчи:

Бекобод туман СЭО ва ЖСБ  
х/р: 40032286027220 4049110054002  
ИНН: 200 536 833  
МФО: 00014

*Мубобуқим  
Ўзбекстан Республикасы Газиаттунис  
х/р: 23402000300100001010  
Сұғурта килдирувчи номидан:  
ини! 201122913*



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

№

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Transport vositalari egalarining fuqarolik javobgarligini majburiy sug‘urta qilish

Bekobod tumani SEOvaJSB va “Kafolat sugurta kompaniyasi” AJ tomonidan tuzilgan 13/OSGO/22-4-sonli shartnoma to‘g‘risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana xaqidagi ma’lumot.

Bekobod tumani SEOvaJSB tomonidan 2022 yil 12 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan (*xujjat raqami LK84583872*).

Loyiha markaz tomonidan huquqiy ekspertizadan o‘tkazildi, amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult

R.M.Mirzaaxmedov



2022 yil 13 yanvar

